ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИДА МУРОБАҲА, МУШОРАКА ВА МУДОРАБА ШАРТНОМАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Ҳусан Ҳасанов
"Ислом тараққиёт банки" нинг Ўзбекистондаги вакили
Шахноза Бозорова
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети магистранти
shaxnoza0102@icloud.com
https://doi.org/10.5281/zenodo.22898058

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон банк тизимида исломий молия шартномаларидан Муробаҳа, Мушорака ва Мудорабанинг қўлланилиши ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Тадқиқотда мазкур шартномаларнинг иқтисодий мазмуни, молиялаштириш механизмлари ҳамда анъанавий банк операцияларидан фарқли жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистонда исломий банкчиликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари, мавжуд исломий молиялаштириш амалиёти ва мазкур шартномалардан фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: исломий банкчилик, Муробаҳа, Мушорака, Мудораба, банк тизими, исломий молиялаштириш.

THE APPLICATION OF MURABAHA, MUSHARAKAH, AND MUDARABAH CONTRACTS IN THE BANKING SYSTEM OF UZBEKISTAN

Abstract

This article analyzes the application of the Islamic finance contracts Murabaha, Musharakah, and Mudarabah within the banking system of Uzbekistan and examines their distinctive features. The study examines the economic substance of these contracts, their financing mechanisms, and their differences from conventional banking operations. The article also examines the legal foundations for the development of Islamic banking in Uzbekistan, existing Islamic finance practices, and the potential for applying these contracts within the country's banking system.

Keywords: Islamic banking, Murabaha, Musharakah, Mudarabah, banking system, Islamic financing.

Ўзбекистонда исломий молия тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш бир неча йиллардан бери долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Хусусан, 2026 йил 27-мартда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистонда исломий банк фаолиятини жорий қилишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни(ЎРҚ-1126)[1] бунга ижобий ечим бўла олди дейишимиз мумкин.

[1] ""Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистонда исломий банк фаолиятини жорий қилишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни",

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

Ушбу мақолада исломий молия шартномаларига кирувчи Муробаҳа, Мушорака ва Мудораба шартномалари ва уларнинг Ўзбекистон банк тизимида қўлланилишини таҳлил қилиб ўтамиз.

Банк - банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар (қарзлар) бериш бўйича банк фаолияти сифатида аниқланган операциялар мажмуини амалга оширувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс.[2]

Ислом банкчилиги шариат қонунлари деб ҳам аталадиган Ислом қонунларига мос келадиган банк тизимини англатади. Ислом банкчилигини бошқарадиган асосий тамойиллар томонлар ўртасида ўзаро таваккалчилик ва фойдани тақсимлаш, барча учун адолатни таъминлаш ва битимлар асосий бизнес фаолияти ёки активга асосланганлигидир.[3]

Ушбу тамойиллар Ислом банкчилигининг асосий қадриятлари билан қўллаб-қувватланади, бунда тадбиркорлик, савдо ва тижоратни ривожлантирадиган ва жамият тараққиёти ёки фойда келтирадиган фаолият рағбатлантирилади. Фоиз (рибо), қимор (майсир) ва спекулятив савдо (ғарар) билан боғлиқ фаолият тақиқланади.

Муробаҳа бу – сотувчи муайян молни таннархнинг устига фойда устамасини қўйиб харидорга сотишни келишган ҳолдаги савдодир. Бунда, сотувчи савдо молининг таннархини ва қўйилаётган устамани харидорга очиқ-ойдин билдиради. Бу устама яҳлит пул миқдори ёки фоиз кўринишида бўлиши мумкин. Ушбу савдо турида, тўлов савдо бўлиши билан дарҳол амалга оширилиши мумкин, томонлар келишувига кўра кечиктирилиши ҳам мумкин.[4]

Мушорака – барча шериклар олинган фойда ва зарарни баҳам кўрувчи шерикчилик тижорати ҳисобланади. Бу ишлаб чиқариш ва тақсимотга кенг таъсир ўтказувчи фоизга асосланган молиялаштиришнинг энг афзал муқобили саналади.

Мудораба – шерикчиликнинг махсус тури бўлиб, унда бир шерик иккинчи томонннинг тижоратига сармоя киритиш мақсадида пул бериб шерикчилик қилади. Сармоя киритиш "Раббул мол" деб аталувчи биринчи шерик томонидан амалга оширилса, иш юритиш "мудориб" деб номланувчи иккинчи томоннинг мажбурияти ҳисобланади.

Анъанавий ва исломий банклар ўртасидаги муҳим ва асосий фарқлар[5]

Анъанавий банклар	Исломий банклар
Анъанавий банклар мижозлардан депозитларни қабул қилади ва ҳеч қандай таваккал қилмасдан олдиндан белгиланган фоиз ставкалари бўйича мижозларга қарз беради.	Ислом банклари мижозлардан омонатларни қабул қилади ва бундай омонатларни мижозлар номидан фойда олиш ниятида инвестиция қилади. Ислом банклари ўз даромадларини фойдани тақсимлаш орқали олади ва зарар ва хавф капитал қўшилган маблағлар миқдорида тақсимланади.
Анъанавий банклар	Ислом банклари омонатчиларнинг маблағлари

https://lex.uz/uz/docs/8099403

[2] ""Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни", https://lex.uz/mact/4581969#4582034

[3] "Islamic Banking & Takaful", https://www.bnm.gov.my/islamic-banking-takaful

[4] "Ислом молиясига кириш. Муфтий Муҳаммад Тақий Усмоний: асар/Тошкент: "Азон китоблари", 2023. – 288 б.

[5] "Difference between Islamic and Conventional Banks", https://www.emiratesislamic.ae/en/about-us/islamic-vs-conventional-banking

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

омонатчиларга пул қарз беради ва омонатчининг маблағларидан фойдаланган ҳолда савдо қилиш ёки инвестиция қилиш ҳуқуқига эга эмас.	билан савдо қилади ва инвестиция қилади (шу жумладан, шариатга мувофиқ инвестицияларнинг бошқа турлари). Ислом банклари пул қарз бериш ҳолатлари кам учрайди.
Анъанавий банкларнинг депозитлар бўйича фоиз ставкалари олдиндан белгиланган келишилган нисбат асосида ҳисобланади.	Ислом банклари омонатчиларнинг маблағлари бўйича фойда ставкаларини олдиндан белгиламайди, лекин бадал ставкалари белгиланади ва фойда ҳақиқий ва амалга оширилган инвестиция натижаларига мувофиқ ҳисобланади.
Мижозлар билан муносабатлар кредитор ва қарз олувчи (қарз берувчи ва қарз олувчи) муносабатларига асосланади.	Мижозлар билан инвестиция муносабатлари Мушорака, Ижара, Муробаҳа, Мудораба, Вакала (Инвестиция агентлиги) ва бошқа асосий шариат шартномаларига қараб ўзгаради.
Қарз миқдори ўзгарувчан бўлиб, тўлов кечиктирилган тақдирда ортади.	Агар мижоз томонидан тўланиши керак бўлган сумма (Муробаҳа ёки бошқа йўл билан тузилган савдо шартномаси бўйича) бўлса, у ўзгармас бўлиб қолади ва ошириб бўлмайди.

Ўзбекистоннинг банк тизими икки поғонали бўлиб, унинг биринчи поғонасини Марказий банк ва иккинчи поғонасини эса тижорат банклари эгаллайди. Республикамиз Президенти Ш. Мирзиёев 2019 йилнинг 11 ноябрида "Марказий банк тўғрисидаги" Қонуннинг янги таҳририни[6] ЎРҚ-582 сони билан имзолади. Ушбу қонуннинг мақсади МБнинг фаолиятини тартибга солишдан иборат.[7]

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг иккинчи поғонасини эгаллайдиган молиявий муассасалардир. Уларнинг тижорат ташкилотлари сифатида фаолият юритиши "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда[8] 2019 йилнинг 5 ноябрида ЎРҚ-580 сони билан қабул қилинган. Ушбу қонуннинг мақсади банк фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Анъанавий банкларга ўз банкчилик фаолиятларини Ислом банкчилиги тамойилларига мувофиқ ўзгартириш/трансформация қилишга рухсат берилади. Бу борада AAOIFIнинг "Анъанавий банкни Ислом банкига ўзгартириш (конверсия/трансформация қилиш)" деб аталадиган 6-сонли Шариат Стандарти мавжуд. Ушбу стандарт бундай трансформация жараёнининг қонун-қоидалари ва тамойилларини акс эттиради.[9]

---

[6] "«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида", https://www.lex.uz/acts/4590452

[7] "Банк фаолиятини амалга оширишни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар", https://cyberleninka.ru/article/n/bank-faoliyatini-amalga-oshirishni-tartibga-soluvchi-meyoriy-u-u-iy-uzhzhatlar/viewer

[8] "«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида", https://www.lex.uz/acts/4581969

[9] "Анъанавий банкни ислом банкига ўзгартириш жараёни", https://islommoliyasi.uz/uz/ananaviy-bankni-islom-bankiga-ozgartirish-jarayoni-1-qism/

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

Анъанавий банкни Ислом банкига ўзгартиришнинг икки усули мавжуд:

1. Мавжуд ҳиссадорлар томонидан ўзгартириш орқали. Бунда банкнинг эгалари банк фаолиятини Ислом банкчилиги шаклига ўтказишга қарор қабул қиладилар;
2. Бошқа ташкилот ёки бошқа шахс томонидан анъанавий банкни сотиб олиб, уни ислом банкчилиги тамойилларига мувофиқлаштириш орқали.

Айни пайтда Ўзбекистон Марказий банкидан банк фаолиятини амалга ошириш учун 35 та банк лицензия олган. Ўзбекистон банкларини мулкдорлари таркибига кўра шартли равишда давлат банклари (9 та), хорижий банкларнинг шўъба банклари ёки бевосита хорижий капитал иштирокидаги банклар (5 та), акциядорлик тижорат банклар (7 та) ва хусусий банклар (14 та) га бўлсак бўлади.[10] Микромолия ташкилотлари сони эса 136 та етган.

1-жадвал

Ўзбекистонда исломий молиялаштириш амалиётини амалга оширувчи банклар[11]

Банк	Маҳсулот/Инструмент	Миқдори	Шартлари	Муддати	Халқаро ҳамкор
Ҳамкор банк	Муробаҳа + исломий ижара(лизинг)	Муробаҳа $10 млн гача; Лизинг 300 млрд сўмгача	Исталган мақсадлар учун Ислом тамойилларига мос келувчи 6 ойгача имтиёзли давр Бўнак тўлови 30% Фойдаланиладиган ускуналар, енгил ва оғир транспорт воситалари.	12 ойгача 60 ойгача	ITFC — $130 млн (жами линия)
БРБ(Бизнесни ривожлантириш банки)	Муробаҳа — асосий воситалар, хомашё, товар	Оддий бизнес: $1 млн гача; "Чемпион" тадбиркор (ПФ-50): $3 млн гача	Таъминот/кафиллик суммаси Мурабаҳа муддатига қараб молиялаштириш суммасининг камида 125%-140% миқдорида	АВ: 60 ой (12 ой имтиёзли); Хомашё/товар: 18 ойдан 36 ойгача	ITFC (Ҳадли битим)
Асака банк	Муробаҳа(Савдо молиялаштириш)	минимал - $100 минг максимал -	Таъминот: 125 % Корхона камида 1 йиллик фаолиятга эга	12 ойгача	ITFC + ICD (Mandated

[10] "Тижорат банклари". https://cbu.uz/oz/credit-organizations/banks/head-offices/

[11] Ислом тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги бошқармаси томонидан берилган маълумотлар асосида тайёрланди.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

		$7 млн	бўлиши керак ва охирги 6 ой ҳисоботлари бўлиши керак Устама: 7,2%		Lead Arranger)
Турон банк	Муробаҳа	Жисмоний шахсларга 10 млн - 100 млн гача. Юридик шахсларга 10 млн - 500 млн гача.	Исталган мақсадлар учун, 50 млн дан ортиғига кафил талаб қилинади. 1 йил 17%, 2 йил 16%, 3 йил 15%.	1 йилдан 3 йилгача	ICD
Ипак йўли банк	Муробаҳа (қисқа муддатли) Узоқ муддатли Ижара (Лизинг)	$100 000 — $5 000 000 $100 000 — $3 000 000 100 млрд сўмгача	(Савдо операцияларини молиялаштириш, товар ва асбоб-ускуна ҳарид қилиш) 12 ойлик SOFR + 2,6% + устама (11% дан бошлаб). Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, бизнесни кенгайтириш. Ускуна, техника, транспорт, кўчмас мулк. Йиллик 26% - UZS	36 ойгача 60 ойгача 60 ойгача	ITFC

Шу билан бир қаторда, такофул (исломий суғурта) бўйича - "Узаро", "Apex takaful", "Neo takaful" "Асл такафул" компаниялари, "Gross" ва "Ҳамкор суғурта" компаниясининг "такофул дарчаси" фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, исломий инвестиция хизматларини таклиф этувчи "Iman holding" компанияси ҳам мавжуд. Ўзбекистонда исломий молиялаштириш бўйича микромолия ташкилотлари ҳам мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради: "Apex moliya", "Ayol", "Enterprise finance", "Biznesni rivojlantirish" ҳамда "Almizan" ММТ.

Ўзбекистонда ислом банкчилиги ривожланиши молиявий инклюзияни кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва аҳолининг молиявий хизматларга ишончини оширишга хизмат қилиши мумкин. Муробаҳа банклар учун нисбатан паст рискли маҳсулотдир. Мушорака ва мудораба эса юқори рискли бўлса-да, инновациялар ва кичик бизнесни ривожлантиришга хизмат қилади. Қисқа муддатда муробаҳа, ўрта ва узоқ муддатда эса мушорака ҳамда мудораба маҳсулотларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. ""Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистонда исломий банк фаолиятини жорий қилишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни", https://lex.uz/uz/docs/8099403
2. ""Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни", https://lex.uz/mact/4581969#4582034
3. "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида", https://www.lex.uz/acts/4590452

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

4. "Банк фаолиятини амалга оширишни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар", https://cyberleninka.ru/article/n/bank-faoliyatini-amalga-oshirishni-tartibga-soluvchi-meyoriy-u-u-iy-uzhzhatlar/viewer
5. "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида", https://www.lex.uz/acts/4581969
6. "Islamic Banking & Takaful", https://www.bnm.gov.my/islamic-banking-takaful
7. "Ислом молиясига кириш. Муфтий Муҳаммад Тақий Усмоний: асар/Тошкент: "Азон китоблари", 2023. – 288 б.
8. "Difference between Islamic and Conventional Banks", https://www.emiratesislamic.ae/en/about-us/islamic-vs-conventional-banking
9. "Анъанавий банкни ислом банкига ўзгартириш жараёни", https://islommoliyasi.uz/uz/ananaviy-bankni-islom-bankiga-ozgartirish-jarayoni-1-qism/
10. "Тижорат банклари". https://cbu.uz/oz/credit-organizations/banks/head-offices/
11. Ислом тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги бошқармаси томонидан берилган маълумотлар асосида тайёрланди.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.